

Бизлар ким куйида имзо чекиб ўзаро шартнома тузувчилар бир томондан «Оптом мебел» МЧЖ раҳбари И.Мирзашарифов келгусида «Таъминотчи» деб номланади ва иккинчи томондан Андижон вилояти Она ва бола скрининги раҳбари Р.Саттарова келгусида «Буюртмачи» деб номланиб, куйидаги мазмунда шартнома туздик.

1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1. «Таъминотчи» мазкур шартнома бўйича «Буюртмачи» га ўзаро келишилган миқдорда ва муддатларда шартноманинг умумий қийматидан ошмаган суммадаги куйида келтирилаётган махсулотларини етказиб бериш, «Буюртмачи» эса етказиб берилган махсулотларни қабул қилиб олиб, амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ белгиланган тўлов кетма-кетлигига риоя қилган ҳолда тўловларни амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

№	Махсулотлар номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Нархи	Қиймати
1	Стул (нержавейка)	Дона	70	570000	39 900 000
2					
3					
4					
5					
6					
	Жами				39 900 000

2. ТОВАР МАХСУЛОТНИНГ СИФАТИ

2.1. Етказиб бериладиган товар махсулотнинг сифати Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига асосан етказиб бериладиган товар ва моддий қийматликлар учун белгиланган ГОСТ ва бошқа меъёрларга мувофиқ бўлиши ҳамда сифат сертификатидан утказилган бўлиши лозим.

3. ШАРТНОМА ҚИЙМАТИ ВА ХИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

3.1. Шартноманинг умумий суммаси Кушимча қиймат солигисиз **39 900 000 (Уттиз туккиз миллион туккиз юз минг) сўмни** ташкил этади.

3.2. Хисоб китоб «Истеъмолчи» томонидан пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

3.3. Шартнома кучга кириб, тегишли Ҳазначилик тизимидан рўйхатдан ўтиб, тасдиқлангандан сўнг 5 банк иш кунида «Буюртмачи» етказиб бериладиган махсулотларнинг умумий суммасининг 30% изи олдиндан аванс тариқасида «Таъминотчи»нинг ҳисоб рақамига ўтказиб беради.

3.4. Қолган охириги 70% «Таъминотчи» томонидан етказиб берилган махсулотлар ҳисоб варақ фактуралари асосида маблағ 30 банк иш кунида ўтказиб беради.

3.5. «Буюртмачи» томонидан 30 % олдиндан тўлов амалга оширилгандан сўнг «Таъминотчи» 5 банк иш куни давомида мазкур шартномада кўрсатилган миқдорда ва нархларда Давлат стандарти, гигиена талабларига жавоб берадиган, махсулотларни «Буюртмачи» га етказиб беради.

4. ТОМОНЛАРНИНГ ХУКУК ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1 «Таъминотчи» куйидаги ҳуқуқларга эга:

- Етказиб берилган товар махсулот олдиндан ҳақ туланиши ва тегишли қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва тула ҳажмда узил-кесил ҳисоб қилиниши бюджет ташкилотидан талаб қилиш;
- Берилган буюртманомага мувофиқ етказиб берилган товар махсулотни қабул қилиш асоссиз рад этилиши натижасида етказилган зарар қопланишини бюджет ташкилотидан талаб қилиш;

4.2. «Таъминотчи» куйидагиларга мажбур:

- Бюджет ташкилотига товар махсулотни мазкур шартномага мувофиқ ёки бюджет ташкилоти томонидан мазкур шартноманинг 5.5-бандида назарда тутилган тартибда бериладиган унинг буюртманомасига асосий белгиланган муддатларда сифат ва миқдорида етказиб бериш;
- Агар товар махсулотни етказиб бериш жараёнида етказиб берувчи шартнома шартлари ва нормативлардан чекинишга йул қуйилган бўлса бюджет ташкилотининг талаби билан аниқланган барча камчиликлар 3-қун муддатда бепул тузатиб бериш;

4.3. «Буюртмачи» нинг ҳуқуқлари:

- Етказиб берувчидан амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;
- Етказиб берувчидан мазкур шартномага мувофиқ бериладиган буюртманомага мувофиқ тегишли сифат ассортиментдаги товар махсулотни етказиб берилишини талаб қилиш;
- Баҳосининг мутаносиб тарзда қамайтирилишини талаб қилиш;
- Мазкур шартнома шартлари бажарилмаганлиги натижасида етказилган қопланишини етказиб берувчидан талаб қилиш;

4.4. «Буюртмачи» нинг мажбуриятлари:

- уз буюртманомаси бўйича етказиб берилган товар махсулотни мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиш;

5. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

5.1 Шартнома қонун ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши шарт. Агар томонлар ўз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

5.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама узгартиришга йул қуйилмайди. Қонун ҳужжатларда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

5.3. «Буюртмачи» нинг розилиги билан товар махсулот муддатдан олдин етказиб берилиши мумкин.

5.4. «Буюртмачи» муддатлари бузилган ҳолда етказиб берилган товар махсулотни қабул қилишни рад этишга ҳақли.

5.5. Етказиб берилган товар махсулот бевосита «Буюртмачи» нинг маъсул ходими томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади.

Мазкур шартномада назарда тутилган товар махсулот бевосита «Буюртмачи» нинг буюртманомасида курсатилган шартлар ва ҳажмда мазкур шартномада курсатилган давр мобайнида амалга оширилади.

7. «Буюртмачи» илгари берилган буюртманомани бекор қилишга ёхуд товар махсулотнинг тегишли туркумларини етказиб бериш санасини узгартиришга ҳақлидир, бу ҳақда «Таъминотчи»нинг буюртманомасида курсатилган сана бошланишидан камида 1-кун олдин хабардор қилади.

6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Етказиб берилган товар махсулот сифати микдори «Таъминотчи» томонидан нотугри аниқланиши, уларнинг қиймати нотугри белгиланиши ва ундирилиши ҳоллари аниқланган тақдирда «Таъминотчи» етказиб берилган товар махсулотнинг сифатини шунингдек уларнинг микдорини ҳисобга олган ҳолда қайта ҳисоб китоб қилади ва ҳисоблаб чиқилган ушбу суммадан ташқари «Буюртмачи» га нотугри ҳисоб-китоб қилинган сумманинг 20% микдориди пеня тулайди.

6.2. Агар етказиб берилган товар махсулотнинг сифати, ассортименти, навлари, стандарт техник шартлар талабларига намуналарга ёки шартномада белгиланган бошқа шартларга жавоб бермаган тақдирда айбдор томон етказиб берилган сифати зарур даражада булмаган товар махсулот қийматининг 20% микдориди пеня тулайди.

6.3. Товар махсулот етказиб бериш буйича шартномада назарда тутилган мажбуриятларини бажарилиши рад этилганлиги учун етказиб берувчи «Истеъмолчи»га белгиланган устамалардан ташқари етказиб берилиши керак булган товар махсулотнинг 20% микдориди пеня тулайди. Жаримадан ташқари «Таъминотчи» «Буюртмачи»га товар махсулот етказиб беролмаслиги натижасида аниқланган зарарни тулайди.

6.4. Товар махсулотни етказиб бериш кечиктирилган ёки тулик етказиб берилмаган тақдирда «Таъминотчи» «Буюртмачи» га кечиктирилган хар бир кун учун мажбурий бажарилмаган қисмининг 0,5% микдориди пеня тулайди. Бирок бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товар махсулот қийматининг 50% дан ортик булмаслиги керак.

6.5. Етказиб берилган товар махсулот учун уз вақтида ҳақ туланмаганда «Буюртмачи» «Таъминотчи»га муддати кечиктирилган хар бир кун учун кечиктирилган тулов суммасининг 0,4% микдориди пеня тулайди, бирок бу кечиктирилган тулов суммасининг 50% дан ортик булмаслиги керак.

6.6. Мазкур шартномада назарда тутилган томонларнинг жавобгарлиги чора-тадбирлари фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ қулланилади.

7. ФОРС – МАЖОР.

7.1. Томонларга боғлиқ бўлмаган ҳолатлар «ёнгин, сув тошқини, шу каби бошқа ҳолатларда ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари», агар тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланган тақдирда мажбурият бажарилмаганлиги учун томонлар жавобгарлигидан озод этилади.

7.2. Юқоридаги ҳолатлар юзасидан дарҳол хабарнома юборилиши мажбурийдир.

8. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

8.1. Қелишмовчиликлар ва низоли масалалар қелиб қиккан тақдирда томонлар, қоидага қура, мустақил равишда улар судгача хал этиш чорларини қурадилар.

8.2. Томонлар қелишмовчиликлар ва низоларни хал этиш учун бевосита судга муурожаат қилишга ҳақлидир.

8.3. Шартнома бузилиб узаро қелишилмаган тақдирда Ўзбекистон Республикаси қонунлар асосида (ёки арбитраж) орқали хал қилинади.

9. КУШИМЧА ШАРТЛАР

9.1. Агарда бир томонда шартларни бажара олмаслиги ёки махсулот сифати микдори ва суммаси тугрисидаги узғариш булса, олдиндан узаро қелишувга асосан узгартириш қиритилади.

9.2. Форс можор ҳолатида шартнома бузилса, узаро қелишиб олинади.

9.3. Шартнома икки нусхада тузилиб, иккиси ҳам юридик жихатидан тенг қучли ҳисобланади.

10. ШАРТНОМА МУДДАТИ.

10.1. Ушбу шартнома ҳудудий ғазначилик бўлинмасидан рўйхатдан ўтказилгандан кейин 31 декабр 2022 йилгача амал қилади.

10.2. Шартнома 2 нусхада тузилиб, биринчи нусхаси «Таъминотчи» да сақланади иккинчи нусхаси «Буюртмачи» да сақланади.

11. ТОМОНЛАР БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА МАНЗИЛГОХЛАРИ

Томонларнинг юридик манзили ва реквизитлари:

«Таъминотчи»

«Буюртмачи»

Оптом мебел МЧЖ

Андижон вилоят Она ва бола скрининги

(етказиб берувчи номи)

(бюджетдан маблағ олувчининг номи)

Манзил: Андижон вилояти Шаҳрихон тумани
Назармаҳрам МФЙ
Х/р 20208000905077315001
Банк номи Хамкорбанк Шаҳрихон филиали
МФО: 00039
СТИР: 306429963

Манзил: Тошкент куча №54

х/р: 100021860034017072202054001

СТИР: 206967449

ОКОНХ:

Ғазначилик бўлинмаси номи.

Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги Ғазначилиги


Х/В: 23402000300100001010

Тошкент ш. ББХКМ

МФО: 00014-СТИР: 201122919



И.Мирзашарифов



Раҳбар:

Р.Саггарова